

# ЖОЛДІК СУЗІ



1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

21 ОКТЯБРЬ, ПЯШАНБА № 205 (700).  
Сотувада эркин нархда. 1993 йил.

## КЕЧА ЭРОН ИСЛОМ ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИ АКБАР ҲОШИМИЙ РАФСАНЖОНИЙ РАҲБАРЛИГИДАГИ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Эрон Ислам Жумҳурияти Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжоний раҳбарлигидаги Эрон ҳукумати делегацияси 20 октябрь кунини Тошкентдан Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрига жўнаб кетди.

Ўзбекистон ва Эрон давлат бошлиқлари тайёрағида журналистларнинг олиймақом учрашуви якунида ҳақиқат саволларига жавоб бериб, музокараларнинг самарали бўлганини, ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни мустақамловчи муҳим ҳуж-

жатлар имзоланганини айтди. Акбар Ҳошимий Рафсанжоний мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар тобора ривожланиб бораётганини, бунда Президент Ислам Каримовнинг ҳиссаси катта бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Самимий эҳтиром ва меҳмондўстлик учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдирди.

мен Тошкентда Эрон моллари билан савдо қилувчи дўконнинг очилишида иштирок этдим. Бунинг ўзига хос рамзий маъносига эришди Эрон Президенти. — Эрон, у халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик, дўстликни мустақамловчи хизмат қилади. Техрон шаҳрида ҳам Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган моллар бил-

ан савдо қилувчи ана шундай дўкон яқин орада очилади, деган умиддаман. Ислам Каримов сафар мобайнида Ўзбекистон халқ шайғани билдирилган эзу тилаклар учун Эрон раҳбарига миннатдорлик изҳор этди. Техронда ва Тошкентда эришилган аҳднолар, ҳамкорлик, ўзаро борди-келди, эрон ва ўз-

бек халқи манфаатларига хизмат қилади, деб ишонч билдирди. Эрон ҳукумати делегациясининг Қирғизистонда ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида бўладиган музокараларида муваффақият тилади. Тошкент тайёрағида юксак мартабали меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, (ЎзА).

**ЎЗБЕКИСТОН:**  
**ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ**  
Халқ сўзи ва ўзА муҳбирлари хабар қилдилар

**ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ**  
ЖИЗЗАХ. Вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашига навбатдан ташқари сессияда сўзлаган нутқидан юлбиз чиқарилган вазифалар тўғрисидаги масъала кўриб чиқилди.  
Бу ҳақда вилоят ҳокими Алишер Тошқанбоев маъруза қилди. Маърузачи ва сўзга чиққан нотинчлар юртбошимиз ушбу сессияда ниҳоятда долзарб масалаларни кўтариб чиққанлигини алоҳида таъкидлаб, Жиззах вилоятида ҳам кадрлар билан ишлаш, жиноятчиликка қарши кураш каби масалаларда камчиликлар ва нуқсонлар мавжуд эканлигига эътиборни қаратди, бу ҳақдаги тақлиф ва мулоҳазаларини ўртага ташлади.  
Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ранси ўринбосари Эркин Халилов сўзга чиқди.

**ТИЛ БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ**  
Тошкент юрidik коллежида ўзбек тилига давлат мақоми берилганининг тўрт йиллиги таъабалар, ўқитувчилар ва тақлиф қилинган меҳмонлар иштирокида катта байрам сифатида нишонланди.  
Унда иштирок этган Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолнинг йирилганларга қарата хитоб қилиб айтган «Қизларим, ўғилларим! Бошингизни мағрур, қадингизни тик тутиб юринг. Негаки, бу ватан, бу туپроқ сизники. Бугун ўз юртингиз, эътиқодингиз, тилингиз давлат мақомига эга», деган сўзлари йиғилиш руҳини белгилаб берди. Талабалар жамоалари тайёрлаган ранг-баранг мусиқали сахналар ҳақиқий байрамона кайфият бағишлади. Коллеж раҳбари Исмаил Маманов жамоа янги ниятлар билан яшаётганини, энди бундай тадбирлар муттасил ўтказилишини таъкидлади.

**КОМБИНАТ УИ-ЖОИИ БИЛАН ҚУРИЛДИ**  
ҚУНҒИРОТДА. Бир неча кунгизда 130 тонна биринчи ва иккинчи тайёрланган комбинат ишга тушди. Корхона раҳбарияти иш унуми ва сифатини ўйлаб, комбинат бизнес билан бир йўла 25 та кетма кетди, боллар боғчасини ишга туширди, мактаб қуриллапти. Комбинатда тайёрланган ум, суратда ирби турганингиздек, лабораторияда обдон текширилади.

**ИНГЛИЗЧАНИ БОҒЧАДА УРГАНИШАДИ**  
БОҒЧАДА тарбияланиб бичирини сифига борган болалар инглизча гапирини яқин билишлари билан ўқитувчиларни лол қолдиришди.  
ЧУСТ туманидаги тўртта болалар боғчисидан кичиктойларга инглиз тили ўргатишмоқда. Зафар туманидаги боғчаларда эса болалар бир йўла инглиз, фаранс ва араб тиллари асосларини ўрганишмоқда. Ҳозир вилоятда хорижий тиллар ўргатилаётган боғчалар сонини 13 тага етди.

**ИШДА ИЗЛАНИШ ДАВРИ КЕЛДИ**  
ЭЛЕКТР пайвандчи Гўлом Бобоевнинг фикри шундай. Ва ўзи шу ширга, кетай амал қилмапти. У мақаб қилган Бобоев таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонасида терим агрегатларининг сийқаланган шпинделларини янгиллаш ўлбаштирилди. Шунингдан, зарур эҳтиёт қисмларини тайёрлаш йўлга қўйилди.

**ЖАМГАРМА ИҚТИДОРЛИ ЕШЛАРИНИ ҚУЛЛАЙДИ**  
МАРҲАМАТ туманида тузилган «Ешлар жамғармасига ҳамма ўғиллик ва ташкилотлар деромадинини уч фойдаланган иқдорда маблағ ўқинишди.  
ТУШЛАНГАН маблағ тумандаги иқтидорли ешларнинг қимол топишига, бш оилаларни моддий қўллашга сарфланади. Шунингдек, жамғарма маблағи ҳисобидан туман марказида қишлоқларда кичик корхона шиллаб чиқариш ҳақида омилиб, асосан ешлар учун янги иш жойлари ташкил этилади.

### Эрон Президентининг ташрифи БУЮК ШОИР ҒДИ

Эрон Ислам Жумҳурияти Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжоний бошчилигидаги ҳукумат делегацияси аъзолари 20 октябрь кунини эрталаб Алишер Навоий хотирасини ёд этиш учун Ўзбекистон миллий боғига келдилар.

Адабиёт инсонпарварлик ғоялари билан азалдан халқларнинг тинч-тотув ва дўстона муносабатларига хизмат қилиб келган буюк боқаломимиз, зулдонсоний шоир Мир Алишер Навоий ҳазратларини шеърятининг беш асрдан буён туркигўй ва форсигўй халқлар орасида бирдек эъзозлангани ҳам бежиз эмас.



ЎзА олган суратлар.

### МОВАРОУННАХР МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИДА

Эронлик юксак мартабали меҳмонлар Тилла Шайх мейморий мажмуи ва Мовароуннахр муслмонлари диний идораси кутубхонасида бўлиблар. Акбар Ҳошимий Рафсанжоний кутубхонада сақланаётган кийик терисига битилган Қуръон Каримни тавоф этиди. Ислам тарихига онд нодир қўлёзма ва босма китоблар меҳмонларда аўр қизиқиш уйғотди. Эрон Президенти фахрий меҳмонлар дафтарида эсдалик дастхатини ёзиб қолдириди.

Шундан сўнг Мовароуннахр муслмонлари идорасини раиси муфти Мухтор Хожидуллоев истиқлолга эришган Ўзбекистонга, хўр дийрининг муслмон аҳлини бирлаштириб турган диний бошқармага ташрифи буюргани учун юксак мартабали меҳмонга самимий миннатдорлик билдирди. Эрон Президентига Мовароуннахр муслмонлари номидан Қуръони Каримнинг нодир нусхаси совға қилинди. Акбар Ҳошимий Рафсанжоний Ўзбекистон заминидagi ажойиб учрашувлардан мамнуният изҳор этди. Ўз навбатида меҳмонлар ҳам диний идорасига Эронда чоп этилган Қуръони Каримни ҳадя қилдилар.

### Шарқшунос олимлар билан учрашув

Акбар Ҳошимий Рафсанжоний ва унинг ҳамроҳлари Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фаолияти билан танишдилар. Маълумки, бу йирик илм масканида ҳозирги пайтда 18 минг жиддан эиёб қўлёзма, жами 50 мингдан ортиқ асар сақланмоқда. Тарих, адабиёт, фалсафа, Ислам тарихи, тасаввуф ва аниқ фанларга онд ва асарлар минг йиллар мобайнида яратилган. Институтда жаҳон шарқшунослик фанига муносаб улуш қўшаётган кўплаб истеъодли олимлар меҳнат қилмоқда.



Йўналишлари билан таништирилди.

Шу кунини Эрон Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжоний бошчилигидаги ҳукумат делегацияси аъзолари Мустақиллик майдонини метро бекатини томоша қилдилар. Тошкент самолётсизлик ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам бўлиблар. Сафар давомида уларга Ўзбекистон Олий Кенгаши Ранси Ш. Нўлдошев, Бош вазир ўринбосари К. Тўлаганов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков, Эрон Ислам Жумҳуриятининг Ўзбекистондаги факултетида эа мухтор элчиси Саид Муҳаммад Мусо Ҳошимий Гўлбегоний ҳамроҳлик қилдилар. (ЎзА).

### Обуна-94 «Халқ сўзи»—Сизнинг газетангиз

Кекса отахон ҳассасини дўқиллатиб таҳририят останаидан ҳатлади: — Болам, Президентининг пенсионерларга имтиёзлар бериш ҳақидаги фармони чиқибди галетинларда, бир дона беринг. Кинесаларда қолмабди-и. Бошқа газетларда кеч босларимиз... Орадан икки кун ўтмасдан ўша отахон таҳририят дарвозасини яна тақиллатди: Газетингизда назир кечаги фармони шариҳиб берганимиз, ҳеч жойда тонолмадим. Шу ерда бир танишиб чиксам бўладими? Бу қутлуғ мақоидан одамларнинг қадами узилмайд.

Чет эллик ватавдошларингизмиз. Мулоқотга келганимиз. Газетингизга Амир Темур муборақ бўлсин! — Ердан сўраб, илинж билан келдик... Телефонлар тинимсиз жингилгайд. Почтачи қизимиз кунлик хат ва телеграммаларин олиб унинг қаватга арағ кутарилади. Уларнинг барчасида бугунги кунимизнинг нафаси — орзулар, интижишлар, ҳижжон армонлар... Дарҳақиқат, уч йил давомида газета шаклланиб, ўз қиёфасига эга бўлди, аниқроғи, одамларнинг қалбига тобора чуқуруроқ кириб бормоқда. Таҳририятга тез-тез қадам равишда қиладиган отахоннинг ганида жои бор. Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қонуни ва қарорлари дастлаб бизнинг газетамда чоп этилади. Бундан ташқари, муштарий Ўзбекистон,

МДХ мамлакатлари ва жаҳон ҳамжамияти ҳаётига онд турли воқеа-ҳодиса ва хабарлар билан ҳам ўз вақтида танишиш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, газетамда йирик олимлар, ҳуқуқшунослар, халқ ҳўжалиги ҳамма сўзчилари, фан, адабиёт ва санъат оламининг рағб-баранг кўришилари ўз интиқосини топади. Мухтасир қилиб айтганда, муштарийни қизиқтирган бирор соҳа газета ётиборидан четда қолмайди. Тўғри, бозор иқтисодийти жараянини бардош билан бошидан ўтказибтган ўқувчиларимизга обуна баҳоси оғир туюлиши мумкин. Аслида халқ истеъмоли моляларининг ҳозирги баҳоси билан таққосланса, маънавий қадриятлар тикланаётганини, бу

борада газетанинг беқибс хизматлари ҳисобга олинса, обуна нархи у қадар юқори эмас. Обуна баҳоси бу йил тубандигича белгиланди:

1 ойга	— 1677 сўм
3 ойга	— 5031 сўм
6 ойга	— 10 062 сўм
12 ойга	— 20 124 сўм

Аллаҳусусе, ҳозир галетхонга қоғон нархининг «осмон»далиги-ю, нашр харажатларининг миқдоси охиб кетганлигини рўнақ қилиб ўтиришининг мавриди эмас. Уларга битта ширин қиломиёиз бор: «Халқ сўзи»—Сизнинг газетангиз, унга обуна бўлишини унутманг.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси»

сайловлар туғрисидаги қонун лойиҳаси—муҳокамада

СИЁСИЙ АҲАМИЯТИ БЕҚИЁС ҲУЖЖАТ

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси биринчи Конституцияси амалга кириши...

лисига сайловлар туғрисидаги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш учун махсус ишчи гуруҳини тузди. Ушбу гуруҳга республикамизнинг таниқли ҳуқуқшунос олим...

Австрия, Олмония, Швеция, Италия, Польша, Болтиқбўйи жумҳуриятлари, Россия ва Украина сингари...

публикасининг фуқароси бўлиш вақтинчи ҳақда икки-тадан ортиқ ҳокимият вакиллари органининг депутати бўла олмаслигини...

Лойиҳада 5-моддасининг матни қўйилган кетганда ўқийди. Уни қўйилганча баёни эйтишни таклиф қиламиз: «Олий Мажлис депутатлари сайловда овоз бериш...

Лойиҳада 5-моддасининг матни қўйилган кетганда ўқийди. Уни қўйилганча баёни эйтишни таклиф қиламиз: «Олий Мажлис депутатлари сайловда овоз бериш...

Конституциявий суд қарори Австриянинг демократик принциплариغا мос тушади. У Европа иттифоқи сари қўйилган муваффақиятлик қадамдир. 1993 йилининг 1 январидан Копенгагенда бўладиган сессия иттифок доирасидаги кўпгина муаммоларни ҳал этади...

Жаҳон 24 соат ичида

ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ ЯНГИ РАИСИ

Польша Республикаси Президент Лех Валенса 18 октябрь кунини Вальдемар Павлякни расман Мамлат Вазирлар Кенгашининг раиси этиб тайинлади. Польша сенати ва сеймдаги янги ҳуқуқкор коалиция Дехонлар партияси раисини ҳукумат раҳбари лавозимига тасвир этган эди. Энди Польша парламенти В. Павлякнинг Бош вазир лавозимига тайинланганини тасдиқлаш лозим.

АВСТРИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ ВАЕНТОИ

Австрия Ташқи ишлар вазири А. Мон журналистларга берган баёнотида ўз мамлакатини Германия конституциявий судининг Маастрихт шартномаси бўйича чиқарган қарорини қўллаб-қувватлашини, у 12 давлатни Европа иттифоқига бириктиришда катта аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Конституциявий суд қарори Австриянинг демократик принциплариغا мос тушади. У Европа иттифоқи сари қўйилган муваффақиятлик қадамдир. 1993 йилининг 1 январидан Копенгагенда бўладиган сессия иттифок доирасидаги кўпгина муаммоларни ҳал этади, деди у.

ХИТОН—ИСРОИЛ МУНОСАБАТЛАРИ

Хитой ва Исроил 1992 йилининг январь ойида дипломатия алоқалари ўрнатиб, ҳамкорлик муносабатлари тарихида янги саҳифа очган эди. Узро дўстона муносабатларнинг барқарорлиги ҳар икки давлатнинг ораусидир. Бироқ кейинги вақтда Исроил Америкадан олаётган ҳарбий технологияларни Хитойга сотаётгани ҳақида мишмишлар пайдо бўлди. Исроил Бош вазири И. Рабин, бу мишмишлар ҳеч қандай асосга эга эмас. У бўлган иборат уйдирмадир, деди. Рабин пайдо бўлган хабарларда Исроилнинг Хитойга етакзиб берган курул-аслахларини бир неча миллиард долларни ташкил этиши таъкидланган. Ваҳоланки, ўтган йили Хитой билан мол айирбошлаш миқдори 60 миллиард долларни ташкил этган ҳолос, деди Бош вазир.

РОССИЯ—АРМАНИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ

18 октябрь кунини Москвада Россия — Арманистон ҳукуматлари арасида муносабатлар бўлиб ўтди. Унда Россия томонидан Вазирлар Кенгаши раиси В. Черномырдин, Бош вазирининг биринчи ўринбосари Е. Гайдар, Бош вазир ўринбосари А. Шохин, Арманистон томонидан Президент Леон Тер-Петросян, Бош вазир Грант Багратян иштирок этди.

Муносабатларда Россия билан Арманистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, муаммолар, мулк масалалари, бирлаштиришнинг амалий чоралари, қилмиш, транспорт асослари билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди, деб хабар қилди РАТА — ТАСС муносиби Бош вазир ўринбосари А. Шохиннинг журналистларга берган маълумотига асосланиб.

ДОРОТИ СТРОУПНИНГ ЯНГИ АСАРИ

Америка ёзувчиси Дороти Струп иккинчи жаҳон урушини даврада асир олинган япон ҳарбийлари ҳақида асар ёзмоқчи. У софит СССР ҳудудига тугул япони асирлари тугул япони асирлари бориб қўйди. Лагерьда бўлган одамлар билан суҳбатлардан, уларнинг хотирларини тинглади.

Япония манускриптининг бутун иккида асосий ўрин эгаллади. У 1946 йилда ёзган биринчи романини Хиросимига ташланган атом бомбаси ҳақидаги баёноти билан эди. Янги асар теги кунларда ҳақ эгаллади, деди РАТА-ТАСС ахборот мажмуасининг хабарига.

Оқил ОВИДОВ, Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари, иқтисод фанлари номзода.



Қамаши туманидаги «Фаргона» жамоа ширкат хўжалигида терми машиналарнинг юқори умумдорлик билан ишлашига ариштиришда. Шу тўғрисида ҳам фароналиклар вилоятда ишчиликни қўлдан беришга йўналтирилган. Хўжаликнинг Анвар Пардаев бошлаган бригадаси нахтакорлари биринчи термадаги янгилик режани бажариб, ҳар гектар майдондан 25 центнердан ҳосил йиғиб оlishга муваффақ бўлишди.

Қамаши туманидаги «Фаргона» жамоа ширкат хўжалигида терми машиналарнинг юқори умумдорлик билан ишлашига ариштиришда.

Шу тўғрисида ҳам фароналиклар вилоятда ишчиликни қўлдан беришга йўналтирилган. Хўжаликнинг Анвар Пардаев бошлаган бригадаси нахтакорлари биринчи термадаги янгилик режани бажариб, ҳар гектар майдондан 25 центнердан ҳосил йиғиб оlishга муваффақ бўлишди.

СУРАТДА: (таъдан) бригада бошлаган Анвар Пардаев, хўжалик раиси Ибодулда Ражабов, ҳозиргача 120 тонна «оқ олтин» термага улгурган меҳнаткорларнинг Савад Бердиевалар нахтакорлари.

М. КОМИЛОВ олган сурат.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ

Йўлидаги муҳим босқич

Табиики, сайловлар туғрисидаги қонун шўбабар вақтлардаги сўрашга киради. Демак, у ҳар томонлама янгилик-хўшга таъбирланган сўраш. Унинг юзаси сангада бўлиши эса муҳокаманинг қандай ўтганига, унда қандай иштирок этганига таъкидланадиган бўлади.

Қонун лойиҳасининг 13-моддасида округ сайлов комиссияси такрорий овоз бериш, такрорий сайловлар ўтказиш, шунингдек бўшаб қолган ўринга депутат сайловини ташкил этиш (14-

қисм) ҳамда депутатни чақириб олиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади (15-қисм) дейилган. Ваҳоланки, 17-модданинг охириги хат бошисидан округ сайлов комиссияси депутатлар ваколатини Олий Мажлис тасдиқлагандан кейин тўхтатиши мумкин деб белгиланган.

Бу билан англамаган ҳолда 13-модданинг 14—15 қисмлари 17-моддада инкор этилган. Шунинг учун унга ўз вақтида ойдинлик киритиш лозим деб ўйлайман, Қонун лойиҳасининг 47-

моддасига Олий Мажлис депутатларнинг ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган ҳолларда, агар янги сайлов кампаниясига бир йилдан камроқ муддат қолган бўлса, бўшаб қолган ўринга янги сайлов ўтказилмайди, деган ҳолат киритилса.

Бу қонуннинг қабул қилиниши ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги муҳим босқич бўлади.

А. ТўЛАГАНОВ, ҳуқуқшунос факари доктори.

Ажаб савдолар

СОХТА «ПРОКУРОР»

Янги вақтларгача ҳам ўзига қаллоблик, фирибгарлик, товламачиликни касб қилиб олган сохта табиби, сохта тафтишчиларнинг кирдиорлари, қилмишлари ҳақида эшитиб юрар эдик. Яқинда туманимизда сохта «прокурор» пайдо бўлиб қолди.

Маълумки, прокурор зиммасига қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда унга қатъий рой қилишдек шарафли, масъулиятли вазифа юклатилган. У ўз ваколат доирасида турли хил текширишлар, назоратлар ўтказиши мумкин.

Андижон вилоятининг Комсомолбод туманида истиқомат қилувчи Ҳамиджон Эшматов бир ярим йил тўман прокуратурасида ҳайдовчилик қилган. Касб-кор тақозоси билан прокурор, тегишлиларнинг иш усулларини ўрганиб оради, текширишлар, назорат ишлари қандай амалга оширилишини обдон кузатади. «Керакли тошини» оғир йўқ деганларидек, бу кузатишлар бир кун қўли келиб қолди, деган умид билан «ўз фаолиятини» давом эттира болади.

Ўтган йилининг ўрталарида Ҳамиджоннинг қинғир режаларини амалга ошириш учун имоният тугилди. Тўман прокуратурасининг катта инспектори Шоҳруҳ Абдулқосимов эҳтиёсизлик тугул хизмат гувоҳнома-сини йўқотиб қўйди. Ҳамиджон гувоҳномага топиб олиб, хизматдошга қайта олиб бериш ўрнига унинг фотосуратини кўчириб ташлаб, ўз суратини ёпиштириб қўйди. Яна у фирибгарлик ишлатиб, гувоҳномадаги суратини туман прокуратурасининг хизмат муҳри билан тасдиқлаб олади. У ҳужжатларни қалбакилаштириш билан Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий қонунининг 197-моддаси 1-қисмида қўзда тутилган жиноятни содир этади. Энди қалбани ҳужжатли сохта «прокурор» олдиндан ўйлаб қўйган режаларини секин-аста амалга ошира бошлади. «Вўзи ўз ўтовини ойнамайдми» деган ақидага амал қилиб, Фаргона тарафларга йўл олади. Қўлида муҳокама «Прокуратура» СССР» деб ёзилган «Ҷиғай гувоҳнома бор. Уни Комсомолбоддан ташқаридан ҳеч ким танимайди. Ўйлаган инилари, қўлаган режаларини бемалол амалга ошириши мумкин.

Дастлаб ўз «фаолиятини» Марйиловдан бошлади. Шаҳар сановат моллари савдоси ақилоналик мамиятига қарашли 29-дўконга виқор билан кириб келди. Муқдор билан сотувчига ўзини вилоят прокуратураси ходими, деб таништириш ҳамда олдин

дан тўғиб қўйган дийдиёсини тўғиб солади: «Тошкентдан газлама олиб келётган автомашинда ҳайдовчиси ўлдирилган, моллар ўғирлаб кетилган, шунинг эъланими» деган ёлгон гапларни гапирди. Шунда муқдор дўконда фақат хўжалик моллари сотилиши, ўғирланган тугул, умуман, газлама билан савдо қилинаётганини айтганда, бустилат келди, тунуна қопқонлари, деворга ёпиштирилган фотокоргоз топиб қўйишнинг «буоириб» жунаб қолади.

Савдогарлар унинг макрига чўз тушганини кўриб, яна фаолиятини жадаллаштириб юборди. Энди сохта «прокурор» қўшини Оқунобоев туманига ташириб буюрди. Шундоқ ҳақларнинг бицинида қоллаган Оқунобоев номи жамоа хўжалиги раҳбарларига яна ўзини вилоят прокуратураси ходими деб таништириди. «Махсус топшириқ» билан сўт-товар фермасини текширганга келганлигини айтиб, дастлаб бухгалтерия ҳисоб-ниҳобларини кўздан кечириди, сўғ фермага боғириб сизлар бош сонини санади.

Текшириш давомида Ферма мудири Абдулатто Ҳолматовга чиройли дастурхон бешани шама ҳам қилиб ўтади. Унинг эвазига ёзилган дастурхонда қадаҳ сўзлар айтиб, тушликдаёқ ширакай бўлиб қолади. Шунда бундан уқ кун илгари Марғилондаги магазинга берган «буоиртмас» ёдига тушиб қолади. Муқдор ёллаган автомашинида у билан бирга хўжалик моллари дўконига яна ташириб буюрди. Бу ердан 100 дона тугул қопқон, фотокорго, бустилат келсини таъмагрилик йўли билан текшираб автомашинага юклаб олиб кетади.

Марғилондан сўт-товар фермасига қайтиб келиб, дастурхон устида майшатни давом эттириб, алийиб, пой-ма-пой гаплар айтиб, шу ерда «ўчиб» қолади.

«Прокурор»нинг гаيري одатий қилмишларидан шубҳаланган ферма ходимлари туман ички ишлар бўлимига сирли меҳмон ҳақида хабар беришди. Шундай қилиб, «сохта прокурор»нинг сирини очилиб қолди.

Ўзга мансубдор шахсини гувоҳнома билан қалбакилаштириб, ваколатини ўзбошимчилик билан ўзлаштириб, алданган фирибгарлик қилган учун Оқунобоев туман суди «сохта прокурор»ни тўрт йил озодликдан маҳрум қилди.

Миррол ФОЗИЛОВ, Оқунобоев тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.

Иқтисодийёт қирралари

Республикамизда бозор муносабатларига ўттиш жараёни босқична-босқич амалга оширилмоқда.

Кўп қиррали иқтисодийётни шакллантириш, ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимларини тақомиллаштириш барча соҳаларда ички кучи ҳаракатига ҳамда меҳнат бозорига сеанларли даражада таъсир қўрсатаётди.

Ўтган давр мобайнида меҳнат бозорига вазиатини ҳескинлаштирувчи ҳолат рўй бермади. Меҳнат биржасидаги мурожаат қилганларнинг ариядан кўпи ишсизлар сифатида қўйилмасданок ишга жойлаштирилди. Қарийб, 30 минг нафар киши эса қайта ўқиниша, янги касблар эгаллаш ва малака оширишга юборилди. Тўғри, шу йилнинг 1 августига қадар рўйи хатта олтинга ишсизлар сони 15,1 миңгата етди. Агар жаҳон амалиётларида ишсизлигининг табиий даражаси меҳнатга лойиқ аҳоли сонининг 4,5 фоизини ташкил этиши ҳисобга олинса, ана шу кўрсаткич ҳалқро ҳисобда 0,2 фоиздан ошмайди.

Бу ҳол, албатта, республикамиз ҳукумати томонидан иқтисодийётни барқарорлаштириш, махсулот ишлаб чиқаришининг кескин мамияишига йўл қўймаслик, оммавий ишсизлигининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасидир. Далилларга мурожаат қилайлик. 1993 йилининг 1 июлига надар қилиб истеъмол моллари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106 фоиз, нефть қазиб чиқариш — 117, газ эса 104 фоиз ошди. Шунингдек, иқтисодий қийинчиликларни тезроқ бартараф қилиш, республикада илгари кам ишлаб чиқарилган, умуман, ишлаб чиқарилмаган махсулотлар таъбирлашни йўлга қўйиш, муҳими — янги ишчи ўринларини барпо этишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада сарфланаётган капитал маблағлар умумий ҳажмининг 63 фоизи корхона ва ташкилотлар томонидан қўпналяпти. Айни чоғда мамлакатимиз ҳудудинда 800 дан анд қўшма корхона ташкил этилди. 2,5 миллиондан кўпроқ, оила эса биринчи марта томон орқа олди еки мавжудларни кенгайтирди. Ана шу мақсад учун 550 миң гектардан ортиқроқ ер майдон ажратилди. 1993 йилнинг 6 ойи давомида республикада ишлаб чиқарилган гўшт миқдорининг 70 фоизга яқини фермер ва ҳуқуқий хўжалик ҳисобига тўғри келган экан, бу мазкур хайрли ҳаракатнинг натижасидир.

Ушбу омилилар, албатта, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни қўллантириш, бозорни тўлдиртиш, пировардинда эса қиллоқ аҳолисини талаб-эҳтиёжини қондиртиш ва уларнинг даромадларини кўпайтириш имконини берди. Бироқ, шунинг таъкидлаш керакки, бизнинг мақсадимиз меҳнат бозорини турли-туман рақамлар билан беэаждан иборат эмас, аксинча, иқтисодий ислохотларнинг янги босқичга ўтиш шароитларида ишсизлигининг мавжуд меҳнатчиларнинг аниқлаш, меҳнат бозорини тартибга солишининг устувор йўналишларини белгилаб олишдан иборатдир.

Ҳозирги вазиатнинг таҳлили шунинг кўрсатадики, бу соҳада рақобатчиликни ўзига мустақиллаштирувчи ҳақиқий бозор муҳити энди шаклланимоқда. Бир мисол, 1993 йилнинг дастлабки ярмида штариннинг қисқариши, айрим корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг тугутилаши оқибатда ишдан бўшатилганларнинг сони барча ишсизларнинг 10 фоизини ташкил этганини ҳисобга олинса, иш излаётганлар бошча ишга жойлашадиган алоҳида қийинчиликларга дуч келмаётганликлари аён бўлади. Сабоби — бизда иш жойлари учун рақобат йўқ. Қўллаб қорхона ва ташкилотларда эса эҳтиёждан ортиқ ишчи кучи мавжуд. Хусусан, қиллоқ хўжалигида уларнинг сони 500 миң нафардан кўпроқ кишини ташкил этади.

Устига устак, ҳозир баъзи одамлар, хатто корхона раҳбарлари ҳам «Давлат ҳар қандай шароитда аҳоли бадиқлигини тўла таъминлаш шарт», деган эскина тушунчадан тўла холи бўла олмаганлар. Бу эса божиманда бўлиб яшашга, иш жойларининг қадриятлигини, юқори унум билан меҳнат қилиш иштиёбининг сўйиниға олиб келиши муқарраб. Ислохотларни шу тарзда амалга ошириш еки илгари суриниш мумкинми? Йўқ, албатта.

ши мумкин. Шу билан бирга, бундай шароитда бандлик сиёсати ўзгариб боради. Қонун билан тақилланмаган меҳнат фаолиятининг барча турлари тенг ҳуқуқли ҳисобланиб, улар ижтимоий жиҳатдан аҳамият касб этади. Шу бонс бандлик тушунчасига илгаригидек фақат ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнат эмас, балки янги тартибдаги, шахсий томонда хўжаликдаги, қўшма ва ҳуқуқий норхоналардаги меҳнат ҳам киритилди.

Табиий савол тугилиши мумкин: кимлар ишсиз деб тан олинади? Ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра, ишлаб тур-

миз тақдирини, тараққиётимиз кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Кўпчилик бозор тушунчасини савдо-сотқиб деб билиб, тикорат соҳасининг майда-чуйда шохобчаларини банд қилаётди. Вақти келиб, бундай ёшларимиз ишсизликка биринчи номзодалар бўлиб қоладилар. Ушанда уларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида янги иш жойларини ташкил этишининг ўзини кифоя қилмайди. Шунинг учун ёшларни биринчи навбатда касбга ўргатиш, аниқ бир ҳунар соҳиб қилиб тарбиялаш лозим. Меҳнат таълимининг илғор услубийла-

то тўрт бавабар ортиқ. Яқинда Тошкент шаҳри бўйича ўтказилган таҳлил шунини кўрсатдики, меҳнат бозорига асосан муҳандис-техник ходимлар (63 фоиз), малакаси паст ишчилар (30 фоиз) ҳамда умуман мутахассислиги бўлмаган шахслар (7 фоиз) келиб қўшилишти. Ўш иш жойларининг 90 фоизи эса юқори малакали ишчилар ва муҳандис-техник ходимларга мўлжалланган.

Ушбу вазиат, бир томондан, меҳнат бозорига рақобат кучайтаётганидан далолат бериб, иккинчи томондан, ишчиларнинг малака ҳақида касбий таййарлик даражасини мунтазам ошириб боришни тақозо этади. Шу мақсадда республика ҳукумати томонидан ҳудудий бандлик дастурлари ишлаб чиқирилиши ва жорий этилишининг янги тартиб тасдиқланди. Бу дастурлар аввалгиларидан фарқи уларок, қиллоқ кеңашлари, туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳудудига юзага келадиган меҳнат бозорларини жадал тартибга солишга ва қисқа муддатли (чорак, ярим йил) даврга мўлжалланган. Уларда барча молиявий маблағлардан фойдаланган ҳолда иш ўринларини яратиб, қайта ўқитишга қаратилган тадбирлар мажмуи мустақиллаштирилган. Айни чоғда меҳнат бозорига рақобатлаш олмайдиган шахслар — ёшлар, кўп болалик оналар, ногиронлар, пенсия ёшига қиринлашганлар учун иш ўринлари барпо қилинишига алоҳида аҳамият берилган. Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамағатининг маблағлари эса асосан шу мақсадларга сарфланади.

Ҳозирги пайтда, шунингдек, ички бизнес, ўзини ўзи иш билан таъминлаш, фермерликнинг тартибга солиниши меҳнат бозорини тартибга солишининг устувор йўналиши бўлиб бораётди. Шунинг учун ўзини ўзи иш билан таъминлаш, тадбиркорлик ҳар томонлама кўмаклашиш зарур. Солиқ тўловига имтиёзлар бериш, маблағлар ажратиб, маркетинг ва менежмент асослари ўргатилишини ташкил этиш шунлар жумласидандир.

Алалхусус, меҳнат бозори ва уни тартибга солиш сиёсатининг асосий мўҳитини шунки, одамлар охири-охирида кафолатланган келажакни ҳарикат қилмай туриб куттиш қайфиятидан ҳалос бўлиб, муддаого эришишга ўз қобилиятини ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини қатъий тушуниб етатилади. Фаолият ва даромад тури мабланнинг эркин танлаиши эса меҳнатга қобилиятли ҳар бир фуқаро зиммасига шахсий фаворонини учун жавабгарлиги маъсулият ҳиссини юклайди.

Оқил ОВИДОВ, Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари, иқтисод фанлари номзода.



Хусайн Шамснинг 90 йиллигига

СУБҲИДАМДА УЧГАН ҚАЛДИРҒОЧ

Хусайн Шамс 1903 йили Қўқонда кўсиб оиласида дунёга келди...

лиқ, яратувчилик вафаси уфуриб туради. Шу тариқа 30-йилларнинг бошларида ёш шоирнинг биринчи шеърлар китоби «Гудож» номи билан нашр этилади.

Тошкентда 1924 йили биринчи намунали босмахона ишга туширилиши муносабати билан, Туркистон Давлат нашриёти Хусайн Шамсени бу ерга ишга тақил қилди.

З. Исmoilжонов, О. Мавлонов, Б. Одиловлар устозларидан тажриба ўрганиб, ўз ишларининг моҳир устаси бўлиб етишдилар. Айни пайтда, у «Янги йил» номида хотин-қизлар ойнамасини техник жиҳатдан безаб, босмахонадан чиқаришга ўзи раҳбарлик қилди.

Тагга мирн пул учун, Термуларди мунг сочиб, Бу менинг отам эди, Доми саргардон эди.

Шу сабаб, у оилга қўмаклашиш мақсадида Қўқондаги босмахонага ўн бир ёшларида ишга кириб, ҳаф терувчилик хунарини эгаллайди. Хизмат тақозоси туфайли булажак ижодкор бу даргоҳда Ҳамза, Суфизода, Шокир Сулаймон сингари етуқ адиблар билан адабий суҳбатлар кўриб, улардан кўп нарсаларни ўрганиб ижода ҳаваси уйғона бориб, истеъод бўлган оғил бўлади.

«Дастлаб Кавказ» («Юлда») адабий таҳаллус билан шеърлар ёзиб, элга танила бошлаган ёш шоир ижодининг асосий мундарижасини меҳнатни уюлгулаш, сadoқат ва дўстлик мавзулари ташкил этган. Айни пайтда, унинг шеърларида завод ва фабрикалар ҳаётининг жушқин руҳи ҳамда қудратли ишчилар оиласига хос ижодкорлик, яратувчилик вафаси уфуриб туради.

Тошкентда 1924 йили биринчи намунали босмахона ишга туширилиши муносабати билан, Туркистон Давлат нашриёти Хусайн Шамсени бу ерга ишга тақил қилди. У меҳнатдан акраламаган ҳолда драматик гуруҳ тузиб, унга ўзи раҳбарлик қилиб, 1925 йили бир пьеса тайёрлаб, Ноллизе биносига томошабинлар ҳуқимида ҳавола этади. Спектаклда ўзи бош қаҳрамон ролини ўйнайди. Орадан кўп ўтмай драматик гуруҳ аъзолари «Андalusнинг сўнги кунлари» пьесасини Тошкент давлат циркида намойиш этадилар. Ўзининг олинчилар олган Хусайн Шамс, бу ишлардан наҳомланиб, ишчилар ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Танқид» номида пьеса ёзади. У кўп марта томошабинларга кўрсатилади ва алоҳида китоб ҳолида ҳам босилиб чиқади.

Хусайн Шамс босмахона қосида қисса мундарижасини меҳнатни уюлгулаш, сadoқат ва дўстлик мавзулари ташкил этган. Айни пайтда, унинг шеърларида завод ва фабрикалар ҳаётининг жушқин руҳи ҳамда қудратли ишчилар оиласига хос ижодкорлик, яратувчилик вафаси уфуриб туради.

Шу пайтлар босмахонада корректор бўлиб ишлаган шокир Гайратий ўша даврларни шундай хотирлайди: «1927 йилда матбаа трестининг тақлифи билан Самарқандга борган Хусайн Шамс у ердаги босмахона ишларини йўлга қўйишга ёрдам қўрсатиб, шу муносабат билан Самарқандда адабий ҳаракатчиликни актив қилиш, бир тўда ёш шоирларнинг шеърини тўплами туркумининг нашрдан чиқаришга ташаббускор бўлди. Менинг ҳам «Эрк товуши» номи (1927 й) биринчи шеърлар тўпламининг Хусайн Шамснинг ҳаракати билан босилган эди».

Х. Шамсининг ижод қўлами кенгай боради. Энди у ҳикоя, шеър, очерк, мақола ва пьесалар ёзиш билан

бир қаторда, Урта Осиёда матбаачилик тарихи ҳақида «Матбаачилик ва унинг қисқача тарихи» номида китоб ҳам ёзади. Зеро, унгача бу мавзуда ҳали ҳеч ким қалам тебратмаган эди. Уни билган, яқиндан таниган дўстлари: Гафур Гулом, Зин Саид, Адхам Раҳмат, Акмал Пулат, Илес Муслим ва бошқаларнинг эслашларича, у ҳаммаша хушқақчақ, иродаси кучли, руҳи кўтаринки, дилқаш, уфатчиликни яхши кўрадиган, айни пайтда, ниҳоятда меҳнатқаш инсон бўлган. Хусайн Шамснинг инсон, фарзандларининг меҳрибон отаси эканлиги ва юқоридagi ижобий хислатларининг унинг умр йўлдоши Зулайхо ая Шамсиева шундай хотирлайди: «У киши очик чеҳрали, ниҳоятда хушқақчақ инсон эди. Ҳар қандай вазиятда ҳам аввал гапини бўлмасдан тинглар, воқеанинг тағига етгач, ўз мулоҳазаларини айтиб, тўри йул кўрсатарди. Қариндош-уруғлар, маҳалла-қўри маҳаллада келиб туришарди. Жуда болажон, самимий одам бўлган. Оиламида қаттиқ гапсўз бўлмади. Гафур Гулом, Собир Абдулла, Назир Сафаров, Ойдин ва бошқалар Хусайн Шамс билан

қалин дўст эдилар. Миртемир, Адхам Раҳматлар ҳам тез-тез келиб туришарди. Улар кўпинча ёган ва ёмоқчи бўлган асарларни тўғрисида суҳбатлашишар, бир-бирлари билан фикр алмашишар, хато-камчиликларни бўлса, рўй-рост танқид қилишарди. Ўзлар ҳам уларнингга тез-тез меҳмонга бориб турарди».

Езувчи 1930—1932 йиллари «Душман» номида йиллик асарини яратди. Асарда ўзбекистон қишлоқларини жамоа хўжаликларига айлантириш масаласи қаламга олинган. У 1935 йили «Хўқуқ» романини ёзди. Бу асарда биринчи марта ишчи-қурашчи сиймоси тасвирлаб берилди.

1936 йили Москвада Бунтнингтоғқоқ ёзувчилар қурултойи (съезди) бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик бир неча ижодкорлар сафидан Хусайн Шамс ҳам бор эди. Бу ерда адиб Максим Горький билан учрашиб суҳбатлашди: «Алексей Максимович бизни солда ва ўртоқларча кўриб олди ва деб эслади Хусайн Шамс. — Мен у билан сўрашайганимда, юрагим ҳаяжондан тез-тез ура болади. Унинг ҳар бир сўзи чўқур маъноли эди. Унинг солда, самимий суҳбати киши дилига ором беради».

Хусайн Шамс 1936 йилда ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига котиб бўлди. Ора-

дан уч йил ўтгач, у ўзбекистон Давлат нафис адабиётлар нашриётига бош муҳаррирлик лавозимига тайинланди. 1940—1941 йилларда эса «Муштум» ойнамасида бош муҳаррирлик қилди. Бу ерда у «Мен савдогаримми?», «Ишлаган тишлар», «Ташвишли кеча» сингари сатира ва юмор жанрида кўплаб ҳикоялар ёзди.

Хусайн Шамс оруз-умиллик, ҳаваси инсон эди. Лекин оғир ҳасталикдан сўнг бешафқат ўлим уни орамиздан жуда эрта — 1943 йили олиб кетди. Энди қирчиллама қирқ ёшга етганда, айни ижод боғи гуллаётган бир пайтда Қўқон аҳли уни охириги йўлга — абадий оромгоҳига қўзатиб қўйдилар. Бир ўринда ёзувчининг субҳидамда учган қалдиргоҳча қисс қилган эдилар. Мен ҳам серқирра ижод қалдиргоҳга Хусайн Шамсени оғир, адабий меросининг илк тарғиботчиларидан бири, шоир ва адиб, публицист ва жамоат арбоби Хусайн Шамс мазмули ҳаёт кечирди. Очиги, биз ёшлар эса унинг ижодини ҳануз яхши билмаймиз. Умидворимизки, ижодкор қолдирган адабий мерос ҳали синчиклаб ўрганилади.



Илҳомнинг, жўшаверсини...

Баҳодир Ҳабиб ВАЛИЙ, Аляшер Навоий номдаги Давлат адабиёт музейининг илмий ходими.

АКС—САДО

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎРГАНИШСИН

«Томчилтаб» сугорчи усулини шифобахш ўсимликлар етиштиришда қўллаш мумкин эмасми? деган масала атрофида муҳокама этилди. Гап шундаки, 1991 йили ўқитувчиларимиз Андижон вилоятининг «Савай» давлат хўжалигига бориб, исроилликларнинг 500 гектар майдондаги гўзани томчилтаб сугорчи тажрибаси билан танишиб келган эдилар. Кейинги йилларда биз ҳам ички дыйналлардаги гўза, картошка, макаржонхори экинларнинг томчилтаб сугорчи бўйича тажрибалар ўтказиб, бу усулнинг самарадорлигига ишонч ҳосил қилдик. Тажрибалардан олинган маълумотлар асосида тайёрланган «Сугорчилик дарсида эса,

муаммолари ҳусусида» сарлавлани маъруза республика «Иқтидорли болалар» биринчи ва иккинчи сўлтларида 1-, 2-ўринларга сазовор бўлди. Юртбошимиз ўзбекистон Олий Кенгашининг XIII сессиясида сўзлаган нутқида шундай дея таъкидлаган эдилар: «Биз қўлай табиий иқлим шароитларга эгамиз, ammo истеъмолад қилаётган қанд-шакар ва болалар овқатининг ҳаммасининг донининг 70 фоизини, гўш, сут маҳсулотларини ва картошканинг 50 фоизидан кўпрогини четдан келтиришга мажбур бўлямиз. Бундай кечириб бўлмайдиган қарамликни тугатиш йўлида гоёт қатъий қадамлар қўйиш талаб қилинади. Донли экинлар, кар-

тошка, қанд-лавлари бўйича чет элларнинг илгор технологияларини жалб этиш зарур. Биз эса тенгдошларимизни ана шундай илгор технологияларни ўрганиб, уларни озиқ-овқатоп ва шифобахш ўсимликлар ҳамда қурилишоб теракларни етиштиришда қўллаб, озиқ-овқат, доридармон ҳамда ёғочтахта қарамлигини тугатишда уларнинг амалий ҳиссаларини қўлишга даъват этмоқчимиз. Отабек ЮСУПОВ, республика «Иқтидорли болалар» I ва II сўлтлари совридор. Умарбек ВЕКЧОНОВ, Сирож ИБРАГИМОВ, Шўҳрат АБДУЛЛАЕВ, (Жами 15 км).

СПОРТ, СПОРТ, СПОРТ

ОСИЁ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ ВАКИЛЛАРИ—МЕҲМОНИМИЗ

БўЛАЖАК Осиё ўйинларида ўзбекистондан 52 спортчи юртимиз шарафини ҳимоя қилди. Албатта, деярли ҳар бир халқаро тур-

нирдан соврин билан қайтарилган юртимиз спортчилари учун Осиё ўйинларида 52 ўрин ажратилиш жуда кам. Ўзбекистон жисмоний —

лиши керак. Айни кунда Осиё конфедерацияси вакиллари Ватанимизда меҳмон бўлиб туришибди. Улар Тошкентда шу масалани ҳам ҳал қилишга ажаб эмас.

лиши керак. Айни кунда Осиё конфедерацияси вакиллари Ватанимизда меҳмон бўлиб туришибди. Улар Тошкентда шу масалани ҳам ҳал қилишга ажаб эмас.

ЖАКАРТИ СТАРТ БЕРДИ

ИНДОНЕЗИЯ пойтахтида шохмат тоғи учун Анатолий Карпов ва Ян Тимман ўтасидаги учрашувнинг иккинчи қисми бошланди. Оқ доналар билан ўйнаётган Тимман 27-юришда Карпов-

га пуран тақлиф қилди. Натижда ҳисоб 7,5:5,5 бўлиб, ҳамон Карпов олдинда борипти. Хар икки томон ҳам ушбу учрашувда голиб чиқишга каттиқ руҳланган. Кар-

пов ИТАР — ТАСС — СПОРТ мухбири орақли роқимлик шохмат мўжизаларига яхши ўйин ва голибликни ваъда берди. Тимманинг ҳам ўз навабатида учрашувда бурилиш ясаб,

Голландияга тўғдор бўлиб кайтишга шайти баланд. Лондонда эса 18-январия 35-юришдан сўнг Н. Шорт ва Г. Каспаров дуранига келишибди. Умумий ҳисоб — 11,5 — 6,5 Каспаров олдинда.

Рекордлар, воқеалар, натижалар

БАХТ ВА БАХТСИЗЛИК—ҲАМҚАДАМ

АМЕРИКА ва Европанинг бир қанча давлатларида ойна жаҳон орқали ҳафтасига бир марта баскетбол учрашуви намойиш қилинади. Бу спорт турлари нчида баскетболнинг оммавийлик жиҳатдан доим юқори поғоналарда туришини таъминлади. Россия ойна жаҳонининг МБА (Миллий баскетбол ассоциацияси) чемпионатидан мунтазам кўрсатувлар бериб бориши бизнинг юрт баскетбол илосемандларининг ҳам эътиборидан четда қолмапти. Муҳлислар қора танил Майкл Жордан баскетбол майдонидида «тўп билан рақса тушиши»

га қараб дарҳол бошқалардан ажратиб олишади. Америкаликлар ҳам майдонда ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турган бу ҳаёбат йигитни Майкл Жексон қатори «олдуз» сифатида кўришади. Бошқача айтадган Майкл Жексон ва Майкл Жордан шундай бошқача Америкада бон хил ўринини эгаллайди. Лекин бахт ва бахтсизликнинг доим ҳамқадам юришини кўринг... Майкл Жексон қисмати ҳақида кўрувчиларимиз кўп нарсаларни эшитишган. Майкл Жорданнинг бахтсизлиги эса... (Унинг СПИД касалигига чалингани ҳақида

аввал ёзган эдик). 6 октябрь кунин суперюлдуз — Майкл Жордан баскетболни буткул тарқатадиган билдириди. Бунинг сабабини у алоҳида матбуот конференциясида батафсил айтмоқчи. Кўпчилик Майклнинг бундай қарорга келишини отасининг фожияли ўлими билан изохлашмоқда (Бу ҳақда ҳам хабар берган-дир). Шундай қилиб «Чикаго Буллз»ни уч марта чемпионликка олиб чиққан Майкл баскетболдан кетяпти. У МБА чемпионатининг 1985 йилги энг яхши «янги ширтирокчи», 1988, 1991 йил-

нинг чап елкасига 2 см чуқурликда қадалди... Гюнтар ўз мақсадида эришди. Апрельдан буён Селеш халқаро теннис майдонига чиқгани йўқ. Бу уни жаҳон теннисчилари рейтинг рўйхатидан тўғричи ўринга тушириб юборди. Олинган эса ҳамон Гюнтарнинг «идеали» — Штеффи Граф. Моника эндликда Гамбург турнири ташкилотчиларидан миллион марка миқдоридан таовон пули талаб қилмоқда. Гамбург шаҳар суди Гюнтар Пархени икки йиллик қамоққа (оқида ўташга) ҳукми қилди. Бу ҳукмига биринчилардан бўлиб Америка теннисчиси Мартина Навратиллова эътироз билдириб:

МОВИЯ КЎЗЛАР ШАЙДОСИГА ИККИ ЙИЛ ҚАМОҚ

ЖАҲОН теннис «юлдузи» Моника Селеш шу йил Германияда ўтаётган халқаро турнир вақтида таъна жароҳати олган эди. Шу иш изасидан тергов олиб борилади. Жароҳат етказувчи ҳеч қарда ишламайдиган Гюнтар Пархе бўлиб чиқди. «Мен Селешга фақат жароҳат етказмоқчи эдим, уни ўлдирганин хабаримга ҳам келтирмаганим» — дея Пархе суд олдида ўз гуноҳини таъ олди. Гюнтарнинг айтишича, у 1985 йилдан буён немис теннисчиси Штеффи Графнинг муҳлиси. Нафақат муҳлиси, балки Штеффининг «худо инъом этган мовий кўзларининг ҳам шайдоси бўлган. 1990 йилгача Штеф-

фи Граф жаҳонда биринчи ракетка соҳиби, Гюнтар эса ўзини унинг биринчи муҳлиси ҳисоблаган. Уша йил 16 йилли югослав Моника Селеш Гюнтарнинг «идеали» рейтинг бўйича жаҳон профессионал теннисчилари рўйхатига эгаллаб турган биринчи ўриндан паस्ता суриб қўйди. Бу Гюнтар учун «эзизладек ҳодиса» бўлди, «яшашиги истамай» қолди. Охирикўбат у чўнтагига 13 сантиметри ошпичоғини солиб, Гамбургга отланди. Бу пайтда Селеш «Роттердам» ўйингоҳида Маделеев устидан ғалаба (6:4; 4:3) қозонаётган эди. Гюнтарнинг ошпичоғи Моника-

нинг чап елкасига 2 см чуқурликда қадалди... Гюнтар ўз мақсадида эришди. Апрельдан буён Селеш халқаро теннис майдонига чиқгани йўқ. Бу уни жаҳон теннисчилари рейтинг рўйхатидан тўғричи ўринга тушириб юборди. Олинган эса ҳамон Гюнтарнинг «идеали» — Штеффи Граф. Моника эндликда Гамбург турнири ташкилотчиларидан миллион марка миқдоридан таовон пули талаб қилмоқда. Гамбург шаҳар суди Гюнтар Пархени икки йиллик қамоққа (оқида ўташга) ҳукми қилди. Бу ҳукмига биринчилардан бўлиб Америка теннисчиси Мартина Навратиллова эътироз билдириб:

«Бир киши иккинчисига пичоқ уриб, сўнгра суд элидан эркин киши сифатида чиқиб кетар экан, дедим бундай мамлакат суди ишда мукамаллик ўз ўрнида эмас» деди. Штеффи Графнинг эътирозини эса Гюнтарнинг қалбига урилган пичоқ бўлди, дейиш мумкин. «Менинг ва оиламнинг биринчи эътироз оқлаш жароғини учундир — бу қилқизил аҳмоқчилик. Ахир уни қандай қилиб озодинка чиқариш мумкин». Жаҳон теннис «юлдузи» — Штеффи Граф суд ўз ишини қайта кўриб чиқиб, Турин шаҳрилик «шаъдий муҳлисини» қайта қамоққа солишга ипномоқда.

ПЕКИНДАН ПАРИЖГАЧА БЕШ ОИДА БОРИЛАДИ

АЛБАТТА, тайёра ёки поездда эмас, велосипедда, «Саёх»лар икки давлат пойтахти оралиғида 16 минг километр масофани босиб ўтишди. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, халқлар дўст-

РЕКОРД АЛМАШТИРИШ ҲАМ ИШ ВЕРМАДИ

лигини мустаҳкамлаш ташвиқоти билан чиққан бу велосипедлар гуруҳини 12 киши ташкил қилди. РЕКОРД АЛМАШТИРИШ ҲАМ ИШ ВЕРМАДИ ЖАҲОН чемпионатида тайёргарлик қўраётган АҚШ терма жамоаси бир қан-

НАЗИБ ҚЎЙДИ. Тўпламини ўзбекистонлик футбол муҳлисларига яхши таниш бўлган ҳужумчи — Виктор Леоненко киритди. Леоненко гача Геннадий Литовченконинг ҳам ўзига хос меҳнат улуши бўлди.

Р. ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for 'Uzeksomarkaz' exhibition. Text: '1993 йил 26-30 октябрда "Ўзэкспомарказ" Республика савдо-кўргазма марказининг 1-павильонида (собиқ ВДНХ) "Тошкент-93" - Тинч океани минтақаси мамлакатларининг халқаро кўргазмаси бўлиб ўтади. Кўргазманинг иш соатлари: 10-17 гача Манзилимиз: Амир Темура кўчаси, 107 уй. "Тошкент-93"

Advertisement for 'BODROK' exhibition. Text: 'ЭНГ АРЗОН НАРХДА "Тошкент" муҳандислик маркази "БОДРОК" (BODROK) жўҳори қовурғич аппаратини тақлиф этади. Фақат бизнинг аппаратларга қилган харажатларингизни 1-2 ойда чиқариб оласиз. Телефонлар: 50-03-85, 50-05-90. Манзилимиз: Тошкент, Фарҳод кўчаси, 10-а уй. (Жанубий вокзал олдида, "Тиролес" лойиҳа институти). БЕКОР ҚИЛИНАДИ Муродова Сабоат номига 1983 йилда Шаҳрсабз таъминотида 56-ўрта мактаб то-

Advertisement for 'ABDULLAEV' exhibition. Text: 'Ўзбекистон Давлат Телерадиокомпанияси жамоаси ўзбекистон радиосининг «АХБОРОТ» Бош муҳарририяти шарҳловчиси Анвар Абдувалиевга анаси Абдусалом АБДУВАЛИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардик билдириб таъзия изҳор қиладилар. Марҳумни Аллоҳ раҳм қилган бўлсин. Урта Осиё темир йўли Соғлиқни сақлаш хизмати жамоаси темир йўл болалар касалхонасининг бош шифокори А. Розинювга отаси Абдурахмон РОЗИҚОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади. «Ўзбекианвотранс» бирлашмаси жамоаси Хоразм ТЭП бошлиғи У. Оллоборга синглиси Ерчинов СУРАДОВАнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Advertisement for 'XALQ SÖZI' newspaper. Text: 'ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 33-09-25. Индекс: 84609.

Advertisement for 'MUNASSILAR' exhibition. Text: 'МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Advertisement for 'BODROK' exhibition. Text: 'Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсирган ВОЛИЕВ (масъул нотиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миррамап МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Кулҳамд РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул нотиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲҲЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммадjon ҚУРАБОВЕВ, Саҳаҳор ҒУЛОМОВ.

Advertisement for 'MANZILIMIZ' exhibition. Text: '● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — А. Войкушев, навбатчи — Ш. Мутаҳҳархон Уган.